

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.03.04 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРСУНБАЕВ САРВАР АНВАРОВИЧ

**АЛЮМИНИЙ-ЛИТИЙ ҚОТИШМАЛАРИНИНГ МЕХАНИК ВА
ҚУЙМАКОРЛИК ХОССАЛАРИНИ ЯХШИЛАШ**

05.02.01 – Машинасозликда материалшунослик. Қуймачилик. Металларга термик ва босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлар металлургияси. Камёб, нодир ва радиоактив элементлар технологияси (қуймачилик ва металларга ишлов бериш йўналиши)

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2023

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on technical
sciences**

Турсунбаев Сарвар Анварович

Алюминий-литий қотишмаларининг механик ва қўймакорлик хоссаларини
яхшилаш.....3

Турсунбаев Сарвар Анварович

Улучшение механических и литейных свойств алюминиево-литиевых
сплавов.....19

Tursunbaev Sarvar Anvarovich

Improvement of mechanical and casting properties of aluminum-lithium
alloys34

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....38

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.03.04 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРСУНБАЕВ САРВАР АНВАРОВИЧ

**АЛЮМИНИЙ-ЛИТИЙ ҚОТИШМАЛАРИНИНГ МЕХАНИК ВА
ҚУЙМАКОРЛИК ХОССАЛАРИНИ ЯХШИЛАШ**

05.02.01 – Машинасозликда материалшунослик. Қуймачилик. Металларга термик ва босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлар металлургияси. Камёб, нодир ва радиоактив элементлар технологияси (қуймачилик ва металларга ишлов бериш йўналиши)

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/T1590 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.tdtu.uz) ва “Ziyonet” Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тураходжаев Нодир Джахонгирович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Нурмуродов Салоҳиддин Дусмуродович
техника фанлари доктори, профессор
Шазимов Анортой Ўлжабаевич
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Навоий давлат кончилиқ ва технологиялар университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.03.04 рақамли Илмий кенгашининг 2023 йил «4» февраль соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Университет кўчаси 2-уй. Тел./факс: (99871) 227-10-32, e-mail: tadqiqotchi@edu.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат техника университети Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (300 - рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Университет кўчаси 2-уй. Тел./факс: (99871) 227-10-32.

Диссертация автореферати 2023 йил «23» январь куни тарқатилган.
(2023 йил «20» январдаги № 156-рақамли реестр баённомаси).

К.А.Каримов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ш.Б.Ташбулатов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, техника фанлари бўйича фалсафа доктори, PhD

Н.С.Дуняшин

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д. профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда қўймакорлик соҳасининг муҳим вазифаларидан бири, қўймакорлик усулида олинаётган машинасозлик деталларининг мустаҳкамлигини ошириш, сифатини яхшилаш ва қўймакорлик хоссаларини такомиллаштириш ҳисобланади. Рангли қотишмалар айниқса алюминий асосидаги қотишмалари ўзининг ўзига хос хоссалари билан машинасозлик соҳасида муҳим ишлаб чиқариш материали ҳисобланиб, жаҳоннинг етакчи илмий-тадқиқот инситути олимлари томонидан алюминий қотишмалари устида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари, алюминий асосли қотишмаларнинг ейилишбардошлилиги, қаттиқлиги, суюқоқувчанлиги ва киришувчанлиги каби хоссаларини оширувчи суюқлантириш технологияларини такомиллаштиришга қаратилган. Бу борада, жумладан алюминий асосли алюминий-литий қотишмаларини суюқлантириб, улардан мустаҳкам ва енгил деталлар ишлаб чиқариш технологияларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Алюминий асосли алюминий-литий қотишмалари устида бир қатор илмий изланишлар уларнинг хоссаларини оширган ҳолда сифатли қўйма маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган. Ушбу соҳада жаҳоннинг етакчи давлатлари АҚШ, Канада, Япония, Хитой, Германия, Россия ва бошқа давлатларнинг илмий-тадқиқот марказларида алюминий-литий қотишмаларини вакуум шароитида суюқлантириш, суюқ алюминий қотишмаси таркибига литийни қўшиш, кукун металлургияси ёрдамида алюминий таркибига литийнинг бирикмаларни киритиш ва ушбу тадқиқот натижасида олинган қотишмалардан машинасозлик деталларини ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилган. Республикамизда ҳам кейинги йилларда машинасозлик саноатининг турли соҳаларида қўймакорлик усулидан фойдаланиб, қўйма маҳсулотларини ишлаб чиқаришда рангли қотишмаларнинг, жумладан алюминий асосли қотишмаларнинг миқдорини ошиши сабабли деталларнинг сифатига бўлган талабнинг орттиши ресурс тежамкорлигини таъминлайдиган самарали усул асосида сифатли, мустаҳкам қўйма маҳсулотларини олиш технологиясини яратиш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Республикамизда машинасозлик деталларини қўймакорлик усули ёрдамида ишлаб чиқаришда ресурслардан кенг фойдаланиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ҳамда сифат кўрсаткичларини оширишга хизмат қиладиган янги технологияларни яратиш бўйича тадқиқотларни ўтказиш ва уларни амалда қўллаш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “...машинасозлик заводлари негизида кон-металлургия машиналари, техникалари ва ускуналарини ишлаб чиқаришни жорий этиш ва маҳсулот турларини кенгайтириш, маҳаллийлаштириш даражасини ошириш ҳамда улар учун зарур жиҳозлар ва бутловчи қисмларни

ишлаб чиқаришни ташкил этиш ...”¹ бўйича муҳим вазифалар белгиланган. Юқоридаги вазифаларни амалга оширишда, жумладан, қуймакорлик усулида деталларни ишлаб чиқариш, такомиллаштирилган таркибли ва механик хоссалари оширилган янги материаллар олиш технологиясини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февралдаги ПФ-4947 сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги фармони², Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016-йил 26 -декабрдаги ПҚ-2698-сонли қарори билан” 2017-2019 -йиллар учун тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича истиқболли лойиҳаларни янада амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги, 2018-йил 27-апрелдаги ПҚ-3682-сонли “Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши бўйича тадқиқотлар фан ва технологиялар ривожланишининг II “Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик” устувор йўналишига мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунгача дунё олимлари, жумладан АҚШнинг Алабама университети олимлари А.Р. Киско, Ж.В. Жордон, Д.З. Авери, З.В. Макклеллан, Т. Лиу, Т.В. Рушинг , Л.Н. Пивовар, П.Г. Аллисон, Л.Гарсиялар томонидан “АА2099 маркали алюминий-литий қотишмасидан тайёрланган деформацияланадиган пластинканинг микроструктураси ва механик хоссалари” бўйича илмий иш олиб боришган ва юқори амплитудали деформацияларга дастлаб АА2099 маркали алюминий-литий қотишмаси чидамли, лекин асосан синишгача юмшашини, яъни бундай материал эластиклиги юқорилигини кўрсатган. Италиянинг Женоа университети тадқиқотчилари Е. Лертора, С. Гамбаро ўзларинг “АА8090 маркали Al-Li қотишмаси ишқаланишли ротацион пайвандлаш параметрларини камчиликларини камайтириш ва қотишманинг чарчок муддатини ошириш” мавзудаги тадқиқот ишида Al-Li қотишмаси механик хоссалари таҳлил қилинган. Хитойнинг Шенгянг Аэрокосмик Университети ва Хитой Фанлар Академиясининг металл тадқиқотлари институти олимлари Чжао Тянь-Чжан, Цзиньлун, Сюй Юн, Чжан Ши-Хунларнинг “2198 Al-Li маркали қотишмалардан тайёрланган лист ва механизмлардаги анизотропик деформация кучланиши” номли тадқиқот ишида Al-Li қотишмаларини термик

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида фармони // <https://lex.uz/docs/5841063#5844719>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сон Фармони. // Халқ сўзи, 2017 йил 8 феврал

ишлов бериш йўллари ва ушбу қотишманинг анизотропик деформациясини камайтириш йўллари таҳлил қилинган. Бунда илмий изланувчилар термик ишлов беришнинг табиий ва суъний эскиртириш усулларидан фойдаланиб, қотишмага уч хил йўналишда анизотропик деформацияни ўрганишган. Биринчи йўналиш прокат йўналиши бўйича, иккинчиси 45° бурчак остида ва учинчиси бўйлама йўналишида анизотропик деформация таҳлил қилинган. Тажрибалар шуни кўрсатадики, тоблаш ва табиий эскиртиришда қотишманинг кристалл тузилиши ва дончалар шакли бир хил бўлганлиги анизотропик деформация ҳам уч хил йўналишда бир хилда бўлади.

Хитойнинг Харбин муҳандислик университети олимлари Ванг Й., Ву Й., Лиу М. арзонроқ легирловчи элементлар қўлланилиб керакли мустаҳкамлик, зарбий қовушқоқлик ва юқори эластиклик бўлган материал олиш технологиясини таклиф беришган. Бунда улар йиғиб туриб прокатлаш легирлаш усулини таклиф беришган.

МДХ давлатлари хусусан Россиялик ва Хитойлик олимлар С.Я. Бетсофен, Р. Ву, И. А. Гришин, А. А. Петров и К. А. Сперанский томонидан биргаликда ёзилган илмий мақолада Mg-5Li-3Al қотишмасидан тайёрланган механизмларнинг механик хоссалари таҳлил қилинган. Уларнинг тажрибалари шуни кўрсатадики, Mg-5Li-3Al қотишмасидаги литий кристалл панжарада атомлараро алоқаларни юмшатади ва бу нарса ушбу қотишмадан тайёрланган деталларнинг призматик тебранишлар чидамли ва анизотропия хосса камайишига олиб келади. Тожикистон технология университети ва Италиянинг Подуан университети тадқиқотчилари Назаров Ш.А., Ганиев И.Н., Ганиева Н.И., Каллиари И. ўзларинг хамкорликдаги илмий ишларида ноёб металллар билан легирланган алюминий литий қотишмаларининг микроструктураси ва механик хоссаларини таҳлил қилишган. Бунда улар тадқиқотни Al+6%Li маркали қотишма устида олиб борганлар. Қотишмаларни вакуум печида олиш технологиясини таклиф беришган. Ўзбекистон олимлар ҳам алюминий қотишмаларни суюқлантириш технологияси ва қотишма таркибидаги газлар ва нометалл қотишмаларни камайтириш бўйича тадқиқотлар олиб боришган. Жумладан Н.Д.Тураходжаев, А.О.Шазимов, Ю.Н.Мансуров, Ф.С.Абдуллаев каби етакчи олимлар алюминий қотишмаларининг хоссаларини яхшилаш устида тадқиқотлар олиб боришган ва бир неча ишлов бериш усулларини ишлаб чиқишган.

Алюминий-литий тизимидаги қотишмаларнинг қуймакорлик ва механик хоссалари, қум – гилли қолипларга қуйиб олиш технологияси, қум – гилли қолипларда олинган қуйма маҳсулотларини қуймакорлик хоссаларини ошириш ва бундан ташқари металл сарфини ҳамда шлак ажралиб чиқиш фоизини камайтириш каби муаммолар етарлича ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий – тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университетида илмий – тадқиқот ишлари режасига биноан “А-ОТ-2021-34” “Юқори сифатли енгил

алюминий-литий қотишмаларини олиш технологияси ишлаб чиқиш” Ўзбекистон-Хитой халқаро лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Алюминий-литий қотишмаларини механик ва қуймакорлик хоссаларини таъминлайдиган суюқлантириш технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

алюминий-литий қотишмаларини суюқоқувчанлигини таъминлайдиган суюқлантириш технологиясини ишлаб чиқиш;

алюминий-литий қотишмаларини суюқлантиришда легирловчи сифатидаги литийнинг қотишмага таъсири асосида қаттиқлик ва ейилишбардошлиқни ошириш усулини ишлаб чиқиш;

қотишма таркибидаги газ ва нометалл қўшимчаларини литий-фторид бирикмаси ёрдамида камайтириш технологияси ишлаб чиқиш;

алюминий-литий қотишмаларини суюқлантириш жараёнида қотишма таркибидаги литийнинг йўқотилишини камайтирадиган ресурстежамкор технологияни ишлаб чиқиш;

алюминий-литий қотишмаларидаги литий миқдорини механик ва қуймакорлик хоссалари билан боғлиқлигининг математик моделини ишлаб чиқиш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида АК7 ва Д16 маркали алюминий қотишмалари танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети алюминий–литий қотишмалари таркибидаги литий миқдorigа боғлиқ ҳолда қуймакорлик ва механик хоссаларни ўзгариши, алюминий–литий қотишмалари тайёрланган деталлар структурасини яхшилаш ва қотишма таркибидаги газ ва нометалл қўшимчаларни камайтириш, қуйма маҳсулотларини олиш технологиясини ва суюқоқувчанлик хоссаларини ўзгариш қонуниятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида алюминий асосли алюминий-литий қотишмаларининг структура-фазавий таркибини рентген дифрактометрли, намуналарнинг микро ва макроструктурасини оптик микроскопли ва намунадаги ғовақликлар микрофотосуратни электрон автоматик таҳлил қилиш усулларида фойдаланилган ҳамда уларнинг физик-механик ва эксплуатацион хоссаларини аниқлашда давлат стандартлари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

алюминий-литий қотишмасининг янги таркиби литий-фторид бирикмасидаги фторнинг газларни қотишмадан шлакга чиқариш миқдори асосида ишлаб чиқилган;

алюминий-литий қотишмасини газ печида суюқлантириш технологияси литийнинг кислород билан таъсирланиши оқибатида литий фториднинг алюминийга қўшиш миқдorigа боғлиқлик графиги асосида ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган янги маркадаги алюминий-литий қотишмаси таркибидаги литийнинг қотишма таркибидаги тақсимланиши қотишма таркибидаги фтор миқдорининг ўзгаришига боғлиқ равишда ишлаб чиқилган.

алюминий-литий қотишмасига сууқ ҳолатда ишлов бериш технологияси литийнинг сууқ алюминий билан таъсирланиши оқибатида литий куйиш миқдорининг литийнинг фторид бирикмасини киритиш массасига боғлиқлик графиги асосида ишлаб чиқилган;

алюминий-литий қотишмаларини сууқлантиришда сууқоқувчанлик хоссасини таъминлайдиган технологияси литий-фторид бирикмасининг сууқоқувчанликка боғлиқлик даражаси асосида ишлаб чиқилган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

АК7 ва Д16 маркали алюминий қотишмаларни таркибига литий-фторид киритиш асосида унинг таркибини ўзгартириш асосида янги таркибли алюминий-литий қотишмаси олинди ва ишлаб чиқаришга жорий қилинган;

янги таркибли алюминий-литий қотишманинг куймакорлик хоссаларидан сууқоқувчанлик хоссаси оширилиш ҳисобига деталларни куйиш вақтидаги нуқсонлар олди олинди;

алюминий-литий қотишмаларини қаттиқлик ва ейилишбардошлилик хоссалари оширилиш асосида деталларнинг хизмат муддати ошириш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертация тадқиқот ишида ТошДТУ, Ўзбекистон-Япония ёшлар инновация маркази, Туркия Некметтин Эрбакан университетининг БИТАМ илмий-тадқиқот марказининг замонавий жиҳозлардан қаттиқликни ўлчаш қурилмалари, металлография ва рентгеноструктура таҳлиллари, элементлар таҳлили, ейилишбардошлик синовлари натижаларининг тўлиқ ўзаро боғлиқлиги, олинган тажриба натижалари мавжуд тажриба маълумотларига солиштирилганлиги ва ишлаб чиқаришга жорий қилинганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Чет эл тадқиқотчилари таҳлиллари ва тадқиқотларидан келиб чиқиб, янги таркибли алюминий-литий қотишмалари тавсия этилган. Янги таркибли алюминий-литий қотишмаси қум – гилли қолипларда куйма маҳсулотлари олиш технологияси жорий этилиб, алюминий-литий қотишмаларининг куймакорлик ва механик хоссалари ошиши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, алюминий қотишмаларини қўшимча легирлаш ёки модификаторлар ҳисобига ҳамда сууқ ҳолатда ишлов бериш асосида механик хоссаларидан қаттиқлик ва ейилишга чидамлилигини ошган, деталларнинг хизмат муддатларини эса узайтирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Куйиб олинадиган деталларни сууқоқувчанлиги, қаттиқлиги ва ейилишбардошлигини оширишда алюминий-литий қотишмасини сууқлантириш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида:

Алюминий-литий қотишмасининг янги таркиби машинасозлик деталларини ишлаб чиқариш учун “Агрегат заводи” АЖ га жорий қилинган (“Ўзавтосаноат” АЖнинг 2022 йил 1 февралдаги № 12/06-25-0147 – сон

маълумотномаси). Жорий қилиш натижасида деталларнинг хизмат муддати 16-19 % га ошган.

Алюминий-литий қотишмасини газ печида суёқлантириш технологияси “Агрегат заводи” АЖ га жорий қилинган (“Ўзавтосаноат” АЖнинг 2022 йил 1 февралдаги № 12/06-25-0147 – сон маълумотномаси). Жорий қилиш натижасида литийнинг суёқлантириш давридаги йўқотиши 25-27% га камайган.

Алюминий-литий қотишмасига суёқ ҳолатда ишлов бериш технологияси “Агрегат заводи” АЖ га жорий қилинган (“Ўзавтосаноат” АЖнинг 2022 йил 1 февралдаги № 12/06-25-0147 – сон маълумотномаси). Жорий қилиш натижасида литийнинг алюминий қотишмасидаги тақсимланишининг бир меъёрда бўлиши 8-10% га ортган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг тадқиқот натижалари 8 та, жумладан 6 та халқаро ва 2 та Республика илмий – амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий ишлар чоп этилган. Шулардан Ўзбекистон Олий Аттестация Комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этилиши тавсия қилинган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан 3 таси Республика, 8 таси юқори импакт факторли журналларда (6 таси Scopus базасидаги) нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, шартли белгилар ва атамалар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижалари амалиётга жорий қилинган, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши ва ҳажми бўйича маълумот берилган.

Диссертациянинг “**Алюминий ва унинг қотишмаларининг саноатдаги ўрни ва уни ишлаб чиқаришдаги муаммолари. Al-Li қотишмалари**” деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича адабиётлар таҳлил қилиниб, алюминий-литий қотишмаларининг қуйма деталларни ишлаб чиқаришда қўлланилиши, уларнинг кимёвий таркиби, хоссалари ўрганилган ва қотишма таркибидаги элементларнинг қотишма хоссаларига таъсири таҳлил қилинган. Дунёнинг етакчи олимларининг алюминий қотишмасига таркибига литийни киритиш технологиялари ўрганилган. Бундан ташқари алюминий

қотишмаларини литий элементи ирикмаларидан литий фторид бирикмаси, литий хлорид бирикмаси каби бирикмалари билан легирлашнинг мавжуд технологиялари таҳлил қилинган.

Автомобилсозлик ва машинасозлик саноатлари учун муҳим ҳисобланган алюминий-литий қотишмаларини қуйиб олиб ўрганиш жараёнидан келиб чиққан ҳолда ва таҳлил қилиш асосида қуйидаги хулосаларга келинган:

мамлакатимизнинг бир қатор машинасозлик корхоналарида алюминий қотишмаларидан қуйма маҳсулотлар қум – гилли қолипларда қуйиб олинмоқда. Бу эса корхоналардаги мавжуд алюминий қотишмаларининг қуймакорлик хоссаларидан суяқоқувчанлик хоссаси етарли даражада эмаслиги ҳисобига қолип формани охиригача тўлдирмаслиги ҳисобига деталларнинг нуқсонли чиқишига сабаб бўлмоқда;

машинасозлик деталларини қуйиб олишда алюминий қотишмаларидан АК7 каби қотишмаларидан кенг фойдаланилмоқда, лекин ушбу маркадаги қотишманинг механик хоссалари етарли даражада эмаслиги улардан қуйма усулда олинаётган деталларни хизмат муддатининг камайишига олиб келган;


алюминий қотишмаларидан олинган қуйма маҳсулотларида ликвация (элементларни ҳажм бирлигида бир текис тақсимланмаслиги) жараёни мавжудлиги, бу эса деталларда ейилиш миқдорини ортишига ҳамда қотишманинг механик ва эксплуатацион хоссалари кескин камайишига олиб келган.

Ушбу муаммоларни ҳал этиш учун қуйидаги вазифаларни ишлаб чиқиш лозим:


фойдаланиб келинаётган АК7 маркали алюминий қотишмаси таркибига легирловчи элемент сифатида литий фторид бирикмасини киритиб қуймалар қуйиб олиш жараёнини оптимал меъёрларини қўллаш орқали қотишма қуймакорлик, механик ва эксплуатацион хоссаларини таъминлаш керак;

Алюминий қотишмасида литийнинг бир меъёрда тақсимланиши учун литийни алюминий таркибига киритиш асосида деталларни ишлаб чиқиш ва бу орқали қотишмани қуймакорлик, механик ва эксплуатацион хоссалари яхшилаш мумкин.

Диссертациянинг **“Илмий тадқиқот ишини амалга ошириш методикаси”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объекти сифатида машинасозлик корхоналарида қўлланилаётган АК7 ва Д16 маркали қотишмаларни таҳлил усуллари келтирилган. Жумладан намуналар таркибидаги газ ғовақларини ўрганиш учун Ўзбек-Япон инновацион ёшлар марказидаги қошидаги JSM-IT200 модели электрон микроскопдан фойданилган. Бунда ушбу микроскопимиз ёрдамида намуналаримиз 7000 мартагача катталаштирилиб олинган (1-расм). Олинган микроскопик таҳлиллар асосида намуналар таркиби, унинг таркибидаги газ ғовақларининг камайиши ўрганилган. Намуналар икки хил усулда қуйиб олинган бўлиб, биринчи усулда алюминий таркибига литий фторид бирикмаси алюминий фолгага ўралган ҳолатда қўшилган, иккинчи усулда ўралмаган ҳолатда қўшилган (2-расм).



1-расм. Литий фторид қўшилган намуналарнинг микроскопик тасвирлари. 1,2,3-очиқ муҳитда қўшилган намуналар. 4,5,6-ёпиқ муҳитда қўшилган намуналар.




а)



б)


2-расм. Алюминий қотишмасига қўшилган LiF бирикмаси. а- ўралган LiF; б- ўралмаган LiF.

Бундан ташқари қуймакорлик хоссаларидан суяқоқувчанлик хоссасини ўрганишга рангли қотишмалар учун мўлжалланган спирал намуналарда фойдаланилди. Намуналарининг қаттиқлигини аниқлашда Роквелл прессида ва абразив ейилишбардошлиликни аниқлаш учун ПВ-7 қурилмасидан ҳамда чет эл аналоглари асосида ясалган олмос дискли қурилмадан фойдаланилди. Қурилмаларнинг ишлаш принципи диссертациянинг икки бобида тўлиқ келтирилган ва ҳар бир усул таҳлил қилинган.



3-расм. Қуйилган намуналар.

1- литий фтор қўшилмаган АК7; 2-литий фтор 5% қўшилган намуна; 3-литий фтор 10% қўшилган намуна;4-литий фтор 15% қўшилган намуна.




4-расм. Қуйилган намуналар.

1- литий фтор қўшилмаган Д16; 2-литий фтор 5% қўшилган намуна; 3-литий фтор 10% қўшилган намуна; ; 4-литий фтор 15% қўшилган намуна.

Диссертациянинг “Алюминий-литий қотишмаларида литийнинг қотишма хоссаларига таъсирини тадқиқот қилиш” деб номланган учинчи бобида АК7, Д16, А000 маркали алюминий қотишмаси таркибини ўзгартириб, қотишманинг қуймакорлик ва механик хоссаларига литий элементини таъсири тадқиқ қилинган. Қуймакорлик хоссаларидан суяқоқувчанлик

хоссаси спирал намуна ёрдамида аниқланиб, литий фторид бирикмасини таъсири таҳлил қилинди. Олинган намуналар 3-4-расмларда келтирилган.

Олинган натижалар асосида литий фторид бирикмасини алюминий қотишмасига киритиш миқдори билан қотишманинг суюқоқувчанлик хоссасига таъсири графиги ишлаб чиқилди [1-график].



1-график. Суюқоқувчанликни литий фторид миқдори билан таъсирини графиги. 1-чизик АК7; 2-чизик Д16.


Кейинги бўлимларда литий фторид бирикмасини механик хоссалардан қаттиқлик ва ёйилишбардошлиликка таъсири тадқиқ қилинган. Хар бир намунага литий фторид миқдори 5% дан 15% гача миқдорда қўшилган бўлиб, барча намуналарга литий фторид алюминий фолгага ўралган ҳолатда киритилган.

Иккинчи графикда литий фторид миқдорини қаттиқликка таъсири келтирилган. Графикдан кўриш мумкинки 5-10 % миқдорда қўшилган литий фторид қотишма қаттиқлигига ижобий таъсир ўтказган.

Ажратиб олинган намуналар живирллаб ўлчанадиган юзаси текисланди. Қаттиқликни ўлчаш учун N3A ПЭ модели Роквелл прессида фойдаланилди. Тажрибалар Туркиянинг Коня шаҳри Некметинн Эрбакан Университети ВІТАМ тадқиқот марказида олиб борилди. Текисланган намуналарни Роквелл прессида кетма-кетликда бир намунани 3 та нуқтасидан ўлчаб олинди. Намуналарни қаттиқлигини ўлчаш натижалари 1- жадвалда келтирилган. Олинган натижалар асосида қаттиқлик билан литий фторид миқдори боғлиқлиги графиги ишлаб чиқилди.


Намуналарни қаттиқлигини ўлчаш натижалари

№	Намуналар	НВ-1	НВ-2	НВ-3	НВўрта
1	АК7	71	73	74	72
2	АК7+5% LiF	78	77	78	77.5
3	АК7+10% LiF	76	75	76	75.3
4	АК7+15% LiF	70	69	71	70
5	Д16	41	43	41	41
6	Д16+5% LiF	53	51	52	52
7	Д16+10% LiF	57	58	56	56
8	Д16+15% LiF	45	44	44	44




2-график. Қаттиқлик билан литий фторид миқдори боғлиқлиги графиги,

1-Д16, 2-АК7.



5-расм. Ейилишбардошлиликни ўлчовчи вертикал олмос дискли қурилма чизмаси.

Ейилишбардошлилик абразив мухитда синовдан ўтказилди. Бунда қотишма маълум вақт оралиқларда олмос дискли қурилмада 50 Н куч таъсирида ушлаб турилди ва йўқотилган массалари тарозида ўлчаб олинди. Қурилма схемаси 5-расмда берилган. Боғлиқлилик графиги ишлаб чиқилди (3-график).



3-график. Литий фторид миқдорини ейилишбардошлиликка таъсири, 1- АК7, 2- Д16.

Диссертациянинг “Алюминий-литий қотишмаларининг қуймакорлик ва механик хоссаларини математик моделлаштириш” деб номланган тўртинчи бобида юқоридаги олинган натижалардан фойдаланган ҳолда математик моделлаштириш масаласини кўриб чиқилган.

Дастлаб, алюминий қотишмасининг суюқоқувчанлик хоссасига литий фторид бирикмасининг фоиз миқдорда таъсири математик модели ишлаб чиқилган.

Суюқоқувчанлик учун:

АК7 маркали қотишма учун

$$\varphi(\eta) = 0,195\eta^3 - 8,822\eta^2 + 107,67\eta \quad (1)$$

Д16 маркали қотишма учун

$$\varphi(\eta) = 0,173\eta^3 - 8,933\eta^2 + 113\eta \quad (2)$$

Бу ерда

η - литий фторид миқдори (%); $\varphi(\eta)=y$ – суюқоқувчанлик (мм).

Қаттиқлик учун:

АК7 маркали қотишма учун

$$\varphi(\eta) = 8.27 \cdot 10^{-3}\eta^3 - 0.438\eta^2 + 6.16\eta \quad (1)$$

Д16 маркали қотишма учун

$$\varphi(\eta) = 7.3 \cdot 10^{-3}\eta^3 - 0,931\eta^2 + 4.54\eta \quad (2)$$

Бу ерда

η - литий фторид миқдори (%); $\varphi(\eta)=y$ – қаттиқлик (НВ).

Ейилишбардошлилик учун:

АК7 маркали қотишма учун

$$\varphi(\eta) = (1.78 \cdot 10^{-3})\eta^3 - (5.1 \cdot 10^{-4})\eta^2 + (8.3 \cdot 10^{-4})\eta \quad (1)$$

Д16 маркали қотишма учун

$$\varphi(\eta) = (2 \cdot 10^{-5})\eta^3 - (7 \cdot 10^{-4})\eta^2 + (11 \cdot 10^{-3})\eta \quad (2)$$

Бу ерда

η - литий фторид миқдори (%); $\varphi(\eta)=m$ – йўқотилган масса.

Таъкидлаш лозимки, ҳосил қилинган функциялардан Лагранж кўпхадларининг даражасини жадвал ва графиклардаги маълумотлар асосида етарлича катта қилиб, ҳосил қилиш мумкин. Бу кўпхадлардаги ўзгарувчининг

энг юқори даражаси олдидаги коэффитциент қийматидан кўринадики, биз чекланган ҳол етарли маълумотларни олиш имконини беради.

Шунингдек, ушбу функциялар дастлабки тажриба натижаларига асосланган ҳолда, кейинги натижаларни тажриба ўтказмасдан аниқлаш имконини беради.

ХУЛОСА

- 1.Алюминий-литий қотишмаларни суюқлантиришда суюқоқувчанлик хоссасини таъминлайдиган технологияни литий-фторид бирикмасини шихта таркибига киритиш асосида ишлаб чиқилган. Бунинг натижасида қотишма оқувчанлиги 1.15-1.2 мартагача ошган;
- 2.Қаттиқлик ва ёйилишбардошликни ошириш учун АК7 ва Д16 маркали алюминий қотишмаларини суюқлантириш даврида литий-фторид бирикмаси литий миқдорида боғлиқлик асосида ишлаб чиқилган. Бунинг натижасида асос қилиб олинган алюминий қотишмаси қаттиқлиги 1.07-1.2 мартагача ошган;
3. Алюминий-литий қотишмасининг янги таркиби машинасозлик деталларини ишлаб чиқариш учун жорий қилинган. Жорий қилиш натижасида деталларнинг хизмат муддати 16-19 % га ошган.
4. Алюминий-литий қотишмасини газ печида суюқлантириш технологияси жорий қилинган. Жорий қилиш натижасида литийнинг суюқлантириш давридаги йўқотиши 25-27% га камайган;
5. Алюминий-литий қотишмасига суюқ ҳолатда ишлов бериш технологияси жорий қилинган. Жорий қилиш натижасида литийнинг алюминий қотишмасидаги тақсимланишининг бир меъёрда бўлиши 8-10% га ортган.;
- 6.Алюминий қотишмаси литий фторид бирикмаси таъсирида асосида шлак ажралиб чиқиши камайиши 1.2-1.23 марта камайган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.03.04 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ТУРСУНБАЕВ САРВАР АНВАРОВИЧ

**УЛУЧШЕНИЕ МЕХАНИЧЕСКИХ И ЛИТЕЙНЫХ СВОЙСТВ
АЛЮМИНИЕВО-ЛИТИЕВЫХ СПЛАВОВ**

**05.02.01 - Материаловедение в машиностроении. Литейное производство.
Термическая обработка металлов давлением. Металлургия черных, цветных и
редких металлов. Технология редких, ценных и радиоактивных элементов
(направление литейное производство и обработка металлов)**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тошкент – 2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2020.2.PhD/T1590

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб – странице Научного совета по адресу (www.tdtu.uz) и информационно – образовательном портале «Ziyonet» по адресу (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Тураходжаев Нодир Джахонгирович
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Нурмуродов Салохиддин Дусмуродович
доктор технических наук, профессор
Шазимов Анортой Ўлжабаевич
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация:

Навоийский государственный горно-технологический университет

Защита диссертации состоится «4» февраля 2023 г. в 14⁰⁰ часов на заседании разового Научного совета DSc.03/30.12.2019.T.03.04 Ташкентского государственного технического университета и Национальном университете Узбекистана . (Адрес: 100095, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 2. Тел./факс: (99871) 227-10-32; e-mail: tadqiqotchi@tdtu.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного транспортного университета (регистрационный номер - 300). (Адрес: 100095, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 2. Тел./факс: (99871) 227-10-32.

Автореферат диссертации разослан «23» января 2023 года.

(протокол реестра № 156 от «20» января 2023 года).

К.А.Каримов

Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.т.н., профессор

Ш.Б.Ташбулатов

Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученых степеней,
доктор философии по техническим
наукам, (PhD)

Н.С.Дуняшин

Председатель научного семинара
при научном совете по
присуждению ученых степеней,
д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Одной из важных задач мировой литейной промышленности является повышение прочности, улучшение качества и улучшение заливочных свойств деталей машиностроения, полученных методом заливки. Сплавы цветных металлов, особенно сплавы на основе алюминия, считаются материалом для производства вентиляторов в области машиностроения с их уникальными свойствами, и исследовательская работа, проводимая учеными ведущего в мире научно-исследовательского института алюминиевых сплавов, направлена на совершенствование технологий плавления, которые повышают свойства сплавов на основе алюминия, таких как ударная вязкость, твердость, текучесть и проникающие свойства. В связи с этим важно развивать технологии производства из них твердых и легких деталей, в том числе путем плавления алюминий-литиевых сплавов на алюминиевой основе.

Ряд научных исследований по алюминий-литиевым сплавам на основе алюминия направлен на производство качественных литейных изделий, повышение их свойств. В этой области особое внимание уделяется плавлению алюминий-литиевых сплавов в условиях вакуума, добавлению лития в состав жидкого алюминиевого сплава, введению соединений лития в алюминий методом порошковой металлургии и изготовлению деталей машин из сплавов, полученных в результате этих исследований в исследовательских центрах ведущих мировых стран США, Канада, Япония, Китай, Германия, Россия и другие страны. В нашей республике также в последующие годы началось создание технологии получения высококачественных, цельнолитых изделий на основе эффективного метода, обеспечивающего повторную обработку повышенного спроса на качество деталей за счет увеличения количества цветных сплавов, в том числе сплавов на основе алюминия, при производстве литейных изделий методом литья в различных.

В республике реализуется широкий комплекс мер по проведению исследований и применению их на практике с целью широкого использования ресурсов в производстве методом литья деталей машиностроения и создания новых технологий, которые послужат повышению эффективности производства и показателей качества. В стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы "...внедрение производства горно-металлургических машин, механизмов и оснастки на базе машиностроительных заводов и расширение ассортимента выпускаемой продукции, повышение степени локализации и организация производства необходимого оборудования и комплектующих к ним..." определены важные задачи. При реализации вышеуказанных задач, в том числе при изготовлении деталей методом заливки, важна разработка технологии получения новых материалов с улучшенным составом и повышенными механическими свойствами.

Указ президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № 4947 "О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан",

указ президента Республики Узбекистан от 26 декабря 2016 года № PQ-2698 "О мерах по дальнейшей реализации перспективных проектов для локализации производства готовой продукции, комплектующих и материалов для инновационных идей, в определенной степени работа над данной диссертацией служит реализации задач, поставленных решениями "О мерах по дальнейшему совершенствованию системы практического внедрения технологий и проектов", а также другими нормативными правовыми актами, связанными с этой деятельностью.

Соответствие исследования приоритетам развития науки и технологий республики. Результаты предлагаемого исследования являются частью Республиканского проекта по развитию науки и технологий. Он реализован в соответствии с приоритетом направления «Энергетика, энерго- и ресурсосбережение».

